

КАРАВАЙКА (PLEGADIS FALCINELLUS L. 1766) НИНГ ТАРҚАЛИШ ЭКОЛОГИЯСИГА ДОИР ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР.

М.М.Тўраев
Бухоро давлат университети.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида инсониятнинг хўжалик фаолияти туфайли, Орол денгизи ва унинг теварагидаги сув ҳавзаларда сувнинг сатҳи кескин пасайиши кузатилди. Бу ҳолатнинг бош омили, Республикализнинг йирик дарёлари Амударё ва Сирдарёлардан канал ва анҳорлар орқали сувни қишлоқ хўжалик экин далаларига режасиз олинишидир. Айни вақтда Республикализнинг марказий ва жанубий-шарқий бўлимларида янги сув ҳавзалар-кўллар, сув омборлар ва ҳовузларнинг майдони йилдан-йилга ортиб борганлиги, Республикаизда ҳёти сув ҳавзалар билан боғлиқ бўлган қушларни қайта тақсимланишига олиб келди.

Баён этилаётган ушбу маълумотлар Қизилқумнинг жанубий ғарбий қисмида шаклланган Қорақир, Замонбобо, Хадича кўллари, Тўдакўл сув омбори ва Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларида 2001-2005 йиллар давомида олиб борилган кузатишларимиз натижасидир. Кузатишларимиз давомида ушбу сув ҳавзаларда рўйхатга олинган 132 қуш турлари орасида ҳаёти сувлик билан боғлиқ бўлган. Ўзбекистон ва Халқаро «Қизил китоб»ларга киритилган қушларнинг 16 турини қайд этилганлигини таъкидлаш лозим. Қуйида шундай турлардан бири қоравой ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Коравой-Республикамиз орнитофаунасининг келиб кетувчи, уя қурувчи тури бўлиб, кам сонлилиги ва уялаш ҳудудининг тор доирадалиги сабабли Ўзбекистон “Қизил китоби”да камайиб бораётган турлар қаторига киритилган (2003).

Жаҳон фаунасида қоравойларнинг 3 та кенжа тури мавжуд бўлиб, улар дунёнинг барча материкларида (Африка, Америка, Европа, Осиё, Австралияда) турли характерда учиб ўтишда, қишлишда, кўпайишида учрайди. Қоравойни Республикамиз ҳудудида учровчи ягона кенжа тури (*Plegadis falcinellus* L. 1766) ҳудуд сувликларида учиб келиб, уя қурувчи тур ҳисобланади. Адабиётларда бизнинг кузатишларимизга қадар турнинг уя қуриш ҳаракатлари фақатгина Амударё қуви оқими сув ҳавзаларида аниқланганлиги қайд этилади (Сагитов, 1987). Қушнинг учиб ўтиши эса республикализнинг бир қатор районларида Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳудудида баҳорги ва кузги миграциялари даврида кузатилган.

Зарафшон қуви оқими сув ҳавзаларида турнинг учраши ҳақида Леммани (1882), Гладков (1932), Маслов (1947) ва бошқалар баҳорги ва баъзан кузги учиб ўтишда кичик сонда учрашини қайд этишган.

Кузатишларимиз, Қизилқум чўлининг Жанубий қисмида шаклланган сувликларда бир қатор гидрофил турлар қаторида коравойкаларнинг тарқалиш экологиясида ҳам ўзгаришлар ҳосил бўлганлигини кўрсатди.

Кузатилган сув ҳавзаларидан қүнлигидан (7.04.02; 11.04.04) кузатилиб, апрельнинг сўнгги ўн қунлигидан (25.04.02) уя қуришга киришади. Кузатишларимиз давомида қоравойларнинг Орол бўйи сувликларидан ташқари илк уя қуриш ҳаракатларини Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларидан қайд этган эдик (Тўраев, 2003). Шундан сўнг бу ҳарактлар Тўдакўл сув омбори худудида, Қорақир кўлида ҳам қайд этилди. Бугунги кунда Замонбобо ҳамда Зикри кўлларидан ҳам қушлар уя қуриш даврида қолмоқда. Кузатилган ҳавзаларда уяларда илк тухум қўйиш ҳаракати (ҳаво ҳароратига қараб) апрель ойининг сўнгти қунларидан (27.04.02, 30.04.03) бошланиб, май ойининг биринчи ярмигача давом этади.

Қоравойлар жамоа бўлиб яшовчи тур. Қуш уя қуришда кўк қарқара, кичик қоравой, кичик оқ қарқаралар билан баъзан бу таркибга қошиқбурун ва саман қаралар билан аралаш колонияда уя қуриши кузатилади. Колонияда қоравойларнинг уялари энг пастки ярусда сув сатҳидан 3-5 смдан 15 смгacha баландликда жойлаштирилади. Уялар колония жойлаштирилган сув ҳавзанинг ўсимлик қопламига боғлиқ ҳолда қамиш, қўфа, уюмлари орасида (Когон балиқчилик хўжалигидан) ёки юлғун буттасининг шохларидан (Тўдакўлда) жойлаштирилади. Уянинг қурилиш материали ҳам таркиб жиҳатдан ҳам, материалнинг миқдори жиҳатдан ҳам фарқ қиласи. Қамиш ва қўфа ғарамлари орасида уя материали кам, аммо юлғун буттасида жойлаштирилган уяларда қурилиш материали кўп ишлатилганлигини кузатдик. Унинг таркиби қамиш пояси, барги, рўваги, юлғун тўпгули, новдасидан иборат бўлади. Уя ўлчами ($n=10$) қўйидагича бўлди: уянинг баландлиги-190мм, уянинг эни-210мм, лоткасининг эни-170мм, уя чукурлиги-50мм. Когон балиқчилик хўжалигидаги уялар май ойининг дастлабки ўн қунлигидан тўлиқ қурилиб, тухум қўйиш деярли тугатилганлигини гувоҳи бўлдик. 6 майда колониядаги уялар сони 29 ни ташкил этган бўлса, 10 майда 50 та уяда тухум қўйиб бўлинган эди. Уяларда 4-5 тагача тўқ ҳаворанг, кўкимтир тухумлар қўйилиб, кузатилган ($n=40$) уяларда ўртача 4,2 та тухум тўғри келди. Тухум ўлчамлари: узунлиги-57,0-54,0мм; эни-37,0-35,0мм; ўртача 52,0-36мм. Шунингдек кам босилган тухум оғирлиги 31,4 гр-42 г ($n=17$) тухумда ўртача-38г га teng бўлди.

Тухумлар ҳар икки жинс иштирокида 21 кун давомида босилади, бунда улар қунига 2-6 маротибагача навбатлашувини кузатдик. Тухум босишдан бўшаган қуш сув ҳавзанинг ўт қопламли саёз қирғокларида озиқланишда бўлади.

Кузатилган уяларда дастлабки жўжалар май ойининг иккинчи ярмида пайдо бўлди. 20 майда колониядаги уяларнинг бирида 4-5 қунлик 3 та жўжалар борлигини қайд этдик. Жўжаларнинг танаси сийрак қора момик пат билан қопланган эди. Уларнинг тана ўлчамлари қўйидагича эди:

Оғирлиги-	53	59	69
Тумшуғи-	14	16	16,5
Қаноти-	23	25	26
Цевкаси-	26	27	29

Уяда озиқ қолдиқларини учратдик. Улар криветкалар, гамбузия балиғи, сув қүнғизи ва бошқалар. 26.05.02 да колониядаги уяларнинг деярли барчасида жўжалар очилганлигини гувоҳи бўлдик. Аммо қоравойларда қўйилган тухумлардан жўжа очиш даражаси пастлиги кузатилди. Кўздан кечирилган 10 та уядаги очилган жўжалар сони ўртача ($p=14$) 3,1 тани ташкил этди. Бунинг асосий сабаблари:

Биринчидан-уяларни сув сатҳига жуда яқин жойлаштирилиши, сув ҳавзаларда сув сатҳининг ўзгариб туриши натижасида уялар сув остига қолиши кузатилади.

Иккинчидан: қоравой уялари теварагида сувга тушиб ётган тухумларни тез-тез кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби уяларни қамиш ғарамлари орасида ноқулай жойлаштирилганлиги. Яъни қуш удан учеб чиқиши ва уяга қўниши вақтида баъзан жўжа ёки тухумни сувга тушириб қўяди.

Июл ойининг дастлабки кунларидан бошлаб жўжалар уядан учеб чиқа бошлайди. Учирма бўлган қушлар колония теварагида ороллар қирғоғидан кейинчалик бошқа сув ҳавзалардан гурӯҳ бўлиб озиқланишга униши кузатилди. Август ойидан қоравойлар колонияни тўлиқ тарқ этишди.

Хулоса қилиб айтганда сунъий сув ҳавзаларнинг вужудга келганлиги сув ва суволди қушларнинг айниқса орол популяцияси вакиллари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаш лозим.

Аммо ушбу сув ҳавзаларида броконерлар томонидан колониялардаги қуш тухумларини йиғиб олиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу эса қушларни уялаш ҳудудини тарқ этишига олиб келмоқда. Масалан: 2003 йил 17 апрелда Когон балиқчилик хўжалиги ҳудудидаги кичик қоравойлар колониясида 2 та саёқ овчи томонидан 276 дона тухум йиғиб олинганлигини гувоҳи бўлдик. Шундан сўнг кичик қоравойлар колонияни тўлиқ тарқ этишди.

Шу ўринда бизнинг таклифларимиз: **биринчидан:** сув ҳавзаларида айниқса қушларнинг кўпайиш мавсумида уларни безовталантиришни олдини олиш зарур. Бунинг учун аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини жадаллаштириш лозим. **Иккинчидан:** Сув ҳавзаларида қушларни кўпайиш мавсумида сув сатҳини бир меъёрда сақланишига эришиш зарур. Шунда биз ҳудуд табиатида турлар хилма-хиллигини оширишда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.